

VII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 138,2 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1 565,4 млн.тн-км. бўлиб ва 98,0 фоиз ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2018 йил январь–декабрь	2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	138,2	101,4
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	138,2	101,4
Юк айланмаси, млн. тн-км	1 565,4	98,0
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1 565,4	98,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь–декабрга нисбатан 101,3 фоизга кўпайди ва 227,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 14,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь–декабрида 14,1 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 1 252,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,3 фоизга кўпайиб, 11 056,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади

	<i>2018 йил январь–декабрь</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	1 252,7	103,3
шу жумладан, автомобил транспортида	1 183,6	102,8
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	11 056,1	103,3
шу жумладан, автомобил транспортида	10 552,3	102,9

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 102,1 фоизга кўпайди ва 6 433,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 61,0 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрида 61,4 фоиз).